

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги**  
**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат**  
**саломатлиги қўмитаси**

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва унинг қуйи тизимидаги муассасалар ходимлари томонидан қонун бузилишига доир ҳолатлар ёки ижтимоий соҳа объектларида хусусан даволаш-профилактика ҳамда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда Давлат хизматларини кўрсатишда, жумладан рухсатномалар ва маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса олиш жараёнида ноқонуний ҳаракатларни илагудек (кўрсангиз, сезсангиз ва гувоҳ) бўлсангиз, қўмитанинг қуйидаги [78/ 888 01 01 \(066\) \(011\)](tel:78880101066011) ҳамда қисқа **1354** рақамли алоқа тизими орқали хабар беришингизни сўраймиз!

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини **“Ишонч телефонлари”** орқали қабул қилиш ҳафтанинг дам олиш кунларидан (**шанба ва якшанба**) ташқари ҳар куни соат **9:00 дан 18:00 гача** амалга оширилади.

Унда фуқаролар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва унинг қуйи тизими муассасалари ходимлари томонидан йўл қўйилаётган коррупция ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар, шунингдек соҳага доир содир этилган ёки содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришлари мумкин.

Агар берилаётган маълумотлар юқорида санаб ўтилган ҳолатлар санитария-эпидемиология қўмитаси фаолиятига алоқадор бўлмаса, у ҳолда масъул ходим томонидан, ариза (мурожаат) муаллифининг сўрови юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш кераклиги бўйича тушунтиришлар берилади.

***Мурожаатлар анонимлиги ва қўнғироқ эгаси томонидан берилган маълумотлар сир тутилиши кафолатланади.***

Ишонч телефони орқали келиб тушган мурожаат белгиланган тартибда рўйхатга олинади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилади.

Ишонаманки, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси жамоаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган амалдаги қонунчилик ҳамда идоравий ҳужжатларга, шунингдек, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлайди ва соҳанинг коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлари ҳамда идоравий ҳужжатлари ижросини сўзсиз бажаришда шахсий намуна кўрсатишади.

**Қўмитага боғланиш учун:**

Телефон номер: [78-888 01 01](tel:78-888 01 01)

Коррупцияга қарши курашиш бўлими ([ички рақам 066](#))

Мурожаатлар бўлими ([ички рақам 011](#)),

Ахборот хизмати ([ички рақам 052](#))

Қўшимча равишда [1354](#) қисқа рақам

Веб сайт – <http://sanepid.uz>

Telegram - [t.me/sanepidcommittee](https://t.me/sanepidcommittee)

ФаСебоокдаги алоқа канали - [fb.me/@sanepidxizmat](https://fb.me/@sanepidxizmat)

Фуқаролар, соҳа ходимлари ва тадбиркорлар мурожаатларини йўллаш учун махсус телеграм бот



@SANEPIDCOM  
MULOQOTUZBOT